

- ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёни жадаллашади ва унинг самарадорлиги ошади;

- ушбу тадбирларни ташкиллаштиришга туризм бизнес вакилларининг жалб қилиниши

тадбир сифатини ошириш билан бирга туризм кўламини оширишга ўз хиссасини қўшади.

Юқоридаги таклифларнинг мамлакатимиз корхоналари томонидан жорий этилиши ишбилармонлик туризмнинг ёшлар сегментини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги “Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-75-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 декабрдаги “Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни «Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси» концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-455-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сонли қарори.
4. Rob Davidson. *Business events 2nd edition*. England: Routledge, 2018. – 486 page.
5. Nigel Evans. *Strategic Management for Tourism, Hospitality and Events*. Routledge; 3rd edition (August 20, 2019). – 814 pages.
6. Scott McCabe, Xavier Font. *Marketing for Sustainable Tourism*. Routledge; 1st edition (December 13, 2019). – 208 pages.
7. Krzysztof Cieslikowski. *Business tourism as innovative product for destinations. Innovative (Eco-) Technology, Entrepreneurship and Regional Development. Conference proceedings*, 2015. ISBN 978-9955-27-479-7 (online).
8. Смирнова О.А. Территориальная структура делового туризма в мире. [Электронный ресурс] / О.А.Смирнова. – Режим доступа: <http://diss.rsl.ru/diss/06/0288/060288034.pdf>.
9. Дыбаль М.А. Развитие кластера делового туризма в Санкт-Петербурге. *Современные проблемы сервиса и туризма*. 2016 г. № 1. С. 59-66.
10. Цацулина И.А. Развитие делового туризма в России. / И.А.Цацулина. // *Общество: экономика, политика, право*. 2011. № 1. С. 79.
11. Елизаров А.Н. Сущность делового туризма как экономической категории. *Актуальные вопросы экономических наук*, 2012, № 4. С. 274.
12. Зорин И.В. *Энциклопедия туризма*. / И.В.Зорин, В.А.Квартальнов. – М.: Финансы и статистика, 2004. С. 272.
13. Балабанов И.Т. *Экономика туризма*. / И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов. – М.: Финансы и статистика, 2002. С. 25.
14. <https://www.unwto.org/glossary-tourism-terms>



ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Тўрабеков Соҳибжон Шербой ўғли - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a58

Аннотация. Бугунги замонавий, инновацион иқтисодиёт шароитида туризм хизматлари соҳасининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг меҳнат бозоридеги роли мақолада кенг ёритилган. Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг истиқболли кўрсаткичлари эконометрик таҳлил асосида аниқланган. Мақола сўнгида туризм хизматлари соҳасини келгусида жадал ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш бўйича зарур тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: туризм хизматлари, аҳоли бандлиги, ЯИМ, ташир буюрувчилар сони, аҳоли жон бошига ЯИМ, туристик хизматлар экспорти, прогноз кўрсаткичлар.

ПРОГНОЗНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПОВЫШЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ТУРИСТСКИХ УСЛУГ

Турабеков Соҳибжон Шербой ўғли - Доторант Самарқандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В условиях современной, инновационной экономики в статье широко освещается роль туристических услуг в народном хозяйстве Узбекистана и его роль на рынке труда. В условиях Узбекистана глубоко проанализированы проблемы обеспечения занятости населения на основе бурного развития сферы туристических услуг и определены их перспективные показатели на основе эконометрического анализа. В конце статьи даны необходимые рекомендации по увеличению занятости населения, исходя из стремительного развития сферы туристических услуг в будущем.

Ключевые слова: туристские услуги, занятость населения, ВВП, количество посетителей, ВВП на душу населения, экспорт туристических услуг, прогнозные показатели.

FORECAST INDICATORS OF INCREASE IN EMPLOYMENT OF THE POPULATION ON THE BASIS OF THE DEVELOPMENT OF THE SPHERE OF TOURISM SERVICES

*Turabekov Sohijon Sherboy ugli -
PhD student Samarkand Institute of
Economics and Service*

Annotation. *In the conditions of a modern, innovative economy, the article widely highlights the role of tourism services in the national economy of Uzbekistan and its role in the labor market. In the conditions of Uzbekistan, the problems of ensuring employment of the population on the basis of the rapid development of the tourism services sector are deeply analyzed and their prospective indicators are determined on the basis of econometric analysis. At the end of the article, the necessary recommendations are given to increase the employment of the population, based on the rapid development of the tourism services sector in the future.*

Keywords: *tourism services, employment, GDP, number of visitors, GDP per capita, export of tourism services, forecast indicators.*

Кириш. Бугунги глобаллашув даврида ҳар қандай иқтисодий тизимнинг барча муаммолари марказида мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларнинг даромадларини ошириш ва муносиб иш ўрни билан таъминлаш туради. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидаги барча уринишлар ва саъй-ҳаракатларнинг пировард натижаси ушбу муаммоларнинг бартараф этилишига қаратилди. Мамлакат тараққиётидаги бундай ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг устун ривожланган соҳаларига ҳамда уларнинг ички ва ташқи бозордаги ролига боғлиқ. Шунингдек, мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсиш, тўла бандлик ва юқори фаровонликка эришишнинг муҳим шартларидан бири иқтисодиётнинг таркибий тузилишида ўзгаришларни амалга ошириш ва юқори мультипликатив самара берувчи соҳаларни изчил ривожлантириш ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Мамлакатда туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш ва бу асосида аҳоли бандлигини ошириш борасида қатор иқтисодчи олимлар ўз тадқиқотларида турлича фикр-мулоҳазалар юритган. Масалан, М.А.Саакяннинг фикрича, “туризм соҳаси қисқа вақт ичида бандлик ҳажмини сезиларли даражада оширишга хизмат қилувчи, қашшоқликни сезиларли даражада камайтирувчи ва ҳатто, сезиларли иқтисодий ўсишни таъминловчи соҳа ҳисобланади. Туризмнинг иқтисодиётга юқоридаги ижобий таъсирига эса туризм ва унинг инфратузилмасига инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган мувозанатли ва кенг қамровли давлат сиёсати орқали эришиш мумкин” [1].

М.Б.Биржаков эса туризм хизматлари соҳасининг мамлакат аҳоли бандлигини оширишдаги родини кучайтиришда соҳадаги мавсумий муаммосини ҳал қилиш зарурлиги, бу пировардда туризм хизматлари соҳасидаги кадрлар қўнимсизлигини бартараф қилишда муҳим омил ҳисобланишини таъкидлаган [2].

М.А.Морозов, Н.С.Морозова, Г.А.Карпова ва Л.В.Хорева ҳам ўз тадқиқотларида туризм хизматлари соҳасини мамлакатда аҳоли бандлигини оширишда бошқа соҳа ва тармоқларга нисбатан энг самарали тармоқ сифатида эътироф этган. Унинг фикрича, туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш асосида бандликка ижобий таъсир кўрсатишнинг муҳим шартларидан бири хорижий ташриф буюрувчилар оқимини кўпайтиришдир [3].

О.В.Куропятник туризм сўнгги йилларда кўпчилик учун асосий иш жойи бўлган саноатга айланиб улгурганини таъкидлайди. Унингча, дунёда иш билан банд бўлган ҳар ўнинчи киши туризм соҳасида ишлайди. Дунё бўйлаб сайёҳлар келишининг ҳар йили 4-6%га ўсиши туфайли бу соҳа бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, саноат эҳтиёжларини қондириш учун доимий равишда кадрларга муҳтож [4].

Тадқиқотчи Л.К.Аюшиева “туризм соҳасида бандлик меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишсиз ёки қисман банд бўлган аҳолининг янги контингентларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш муаммосини ҳар қилишга ёрдам беради, бу айниқса ривожланмаган саноат ҳудудлари учун муҳимдир” деган фикр-мулоҳазалари мамлакатнинг бандлик муаммосини ҳал қилишда туризм хизматлари соҳасининг аҳамиятини белгилаб беради [5].

Е.В.Нехода, А.В.Турлов, А.А.Загайнов ўз тадқиқотлари давомида туризм хизматлари соҳасининг мамлакат аҳолисининг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қишлоқ жойларда бандлик даражасини оширишда ҳам туризмнинг ўзига хос ўрни мавжудлигини рақамларда асослаб берган. Уларнинг фикрича, мамлакатда қишлоқ хўжалиги туризмни ривожлантириш қишлоқ жойларда бандликни таъминлашнинг энг самарали йўлларида биридир [6].

Ўзбекистонда туризм хизматлари соҳасидаги банд бўлган аҳоли сонининг прогноз кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар борасида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Хусусан, тад-

қиқотчи А.Ш.Бердимуродов ўз тадқиқотларида туризм соҳасидаги банд аҳоли сонига 7 та омилнинг таъсирини таҳлил қилган. Булар орасида мамлакат туризм соҳасидаги бандликка эркин туристик ҳудудлар сони, туризм экспорти ва туризмнинг ЯИМдаги улуши таъсир қилиши мумкинлиги борасида хулосага келган. Тадқиқотчи томонидан 2023 йилда туризм хизматлари соҳасида банд бўлган аҳоли сони 411,5 мингга етиши прогноз қилинган [7].

Шунингдек, тадқиқот давомида туризм соҳасининг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни ҳамда мамлакат аҳолисининг бандлигига таъсири борасида Ш.Сафаров [8], И.С.Тухлиев [9], Ғ.Х.Қудратов, М.Қ.Пардаев [10], М.М.Мухаммедов [11], Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова, Ф.Ф.Захидов, О.З.Хайдаров [12], Б.Н.Навруз-Зода [13], А.А.Эштаев[14]нинг илмий тадқиқотлари ўрганилди.

Тадқиқот методологияси. Туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини оширишнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда эконометрик таҳлил усулидан фойдаланилиб, мавжуд бўлган илмий тадқиқотлар ва статистик маълумотар ўрганилди. Шунингдек, тадқиқотда иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда кўплаб ривожланган давлатларда туризм хиз-

матлари соҳаси бошқа тармоқ ва соҳаларга нисбатан юқори мультипликатив самарага эга бўлган соҳа сифатида эътироф этилмоқда. Сабаби туризм хизматлари соҳасининг тараққий этиши бир вақтнинг ўзида транспорт, савдо, саноат, қурилиш, хизматлар соҳаси ва бошқа бир қатор тармоқларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади. Худди шундай ушбу тармоқларнинг фаоллиги ҳам мамлакатдаги туризм хизматлари соҳасининг ривожланиш даражасини белгилиб беради. Демак, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида аҳоли бандлигини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этиш туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш асосида унинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш йўллари излаб топишни ҳамда бу орқали мамлакатнинг аҳоли бандлигини таъминлаш сиёсатидаги муҳим истиқболли дастур ва режаларни белгилаб олишни тақозо этади.

Тадқиқот давомида туризм хизматлари соҳасидаги бандлик даражасининг истиқболдаги имкониятлари қайси иқтисодий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги аниқланди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, туризм хизматлари соҳасида банд бўлган аҳоли сонини оширишда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, ташриф буюрувчилар сони ва туристик хизматлар экспорти муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг мамлакат туризм хизматлари соҳасидаги таъсири ўрганилиб, истиқболдаги ҳолатини аниқлаш учун прогноз функцияларини аниқладик.

1-жадвал

Туризм хизматлари соҳасида банд аҳоли сонининг 2030 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Математик моделларнинг функциялари	Натижа билан омилларнинг боғлиқлик даражаси
Туризм хизматлари соҳасидаги банд аҳоли сони (Y)	$y = 0,1002x^2 - 399,14x + 397924$	$R^2 = 0,8623$
Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, минг сўм (X ₂)	$y = 22,177x^2 - 88238x + 9E+07$	$R^2 = 0,9888$
Ташриф буюрувчилар сони, минг киши (X ₃)	$y = 11,917x^2 - 47608x + 5E+07$	$R^2 = 0,9614$
Туристтик хизматлар экспорти, млрд. сўм (реал нархларда) (X ₅)	$y = 0,31x^2 + 1269,1x - 1E+06$	$R^2 = 0,7519$

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвал маълумотларига асосан ҳар бир омиллар “Кўрсаткичли даражали функция” усулидан фойдаланган ҳолда аниқланди. Туризм хизматлари соҳасида банд аҳоли сонининг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг аппроксимацияси унинг полиномиал чизиғига тўғри келади. Бу қуйидагича ифодаланади:

$$y = 0,1002x^2 - 399,14x + 397924$$


$$R^2 = 0,8623$$

Бунда: y – натижа кўрсаткичи, яъни таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг i -йилдаги ҳажми;

x – тегишли йилларнинг кетма-кетлигини ифодаловчи ўзгарадиган миқдор;

R^2 – натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи коэффициент.

Бу ерда $R^2 = 0,8623$ га тенглиги ушбу кўрсаткичнинг вақт омили билан узвий боғлиқлигидан далолат беради. 1-жадвалдаги математик моделларнинг функцияларига асосан 2030 йилга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.



1-расм. 2005-2030 йилларда туризм хизматлари соҳасидаги банд аҳоли сонининг динамикаси

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Бу қуйидагича ифодаланади:

$$y = 22,177x^2 - 88238x + 9E+07$$

$$R^2 = 0,9888$$

вий боғлиқлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичнинг 2005-2021 йиллардаги динамикаси асосида 2030 йилга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.

Мазкур ҳолатда ҳам $R^2 = 0,9888$ га тенглиги ушбу кўрсаткичнинг ҳам вақт омили билан уз-



2-расм. 2005-2030 йилларда аҳоли жой бошига ЯИМ ҳажмининг динамикаси

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кейинги прогноз қилиниши лозим бўлган кўрсаткич аҳоли жой бошига тўғри келади-ган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг ҳам аппроксимацияси унинг полиномиал чизиғига тўғри келади ва у қуйидагича ифодаланади:

$$y = 11,917x^2 - 47608x + 5E+07$$

$$R^2 = 0,9614$$


Мазкур ҳолатда ҳам $R^2 = 0,9614$ га тенглиги ушбу кўрсаткичнинг ҳам вақт омили билан узвий боғлиқлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичнинг 2005-2021 йиллардаги динамикаси асосида 2030 йилга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.

Сўнги прогноз қилиниши лозим бўлган кўрсаткич туризмда меҳнат унумдорлиги бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг ҳам аппроксимацияси унинг полиномиал чизиғига тўғри келади ва у қуйидагича ифодаланади:

$$y = 0,31x^2 + 1269,1x - 1E+06$$


$$R^2 = 0,7519$$

Мазкур ҳолатда ҳам $R^2 = 0,7519$ га тенглиги ушбу кўрсаткичнинг ҳам вақт омили билан узвий боғлиқлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичнинг 2005-2021 йиллардаги динамикаси асосида 2030 йилга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.



3-расм. 2005-2030 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрувчилар сонининг динамикаси

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



4-расм. 2005-2030 йилларда туристик хизматлар экспортининг динамикаси

Аниқланган функция натижаларини қуйидаги:

$$y(x) = 35,756 + 0,031 x_2 + 0,013 x_3 + 0,036 x_5$$

регрессия тенгласига қўллаган ҳолда туризм хизматлари соҳасида банд бўлган аҳоли сонининг истиқболдаги натижаларини аниқладик.

2-жадвал

2022-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида туристик хизматлар кўрсаткичларининг прогноз кўрсаткичлари

Йиллар	Туризм хизматлари соҳасидаги банд аҳоли сони, минг киши, (Y)	Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, минг сўм (x_2)	Ташриф буюрувчилар сони, минг киши (x_3)	Туристтик хизматлар экспорти, млрд. сўм (реал нархларда) (x_5)
2005	301,3	608,5	242,0	371,1
2006	305,5	797,5	560,0	504,6
2007	306,3	1 049,2	903,0	511,0
2008	289,9	1 427,3	1 069,0	528,1
2009	329,9	1 778,2	1 215,0	774,3
2010	356,6	2 763,7	975,0	880,2
2011	322,5	3 518,6	1 393,0	637,9
2012	310,2	4 285,2	1 895,0	766,6
2013	308,9	5 069,3	1 969,0	690,0
2014	313,1	6 074,2	1 862,0	694,3
2015	311,1	7 072,2	1 918,0	601,5
2016	319,8	8 020,1	2 027,0	634,4
2017	352,6	9 802,1	2 690,0	753,2
2018	380,4	12 887,7	5 346,0	787,4
2019	382,6	15 764,9	6 749,0	837,2
2020	362,19	16 528,5	7 075,8	854,8
2021	367,97	17 098,6	6 181,9	856,6
2022	377,07	17 830,4	6 718,8	852,9
2023	377,51	19 319,6	7 248,0	858,5
2024	381,72	20 729,6	7 927,2	853,2
2025	387,21	22 073,2	8 461,3	869,8
2026	398,77	23 599,0	9 144,1	902,2
2027	405,07	25 106,6	9 730,2	917,7
2028	411,74	26 524,0	10 305,4	959,3
2029	418,13	27 965,0	10 927,7	977,9
2030	424,19	29 413,4	11 538,3	1 000,0

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Демак, 2-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистон туризм хизматлари соҳасидаги банд аҳоли сони ва унга таъсир қилувчи омиллар кўрсаткичлари йилдан-йилга мунтазам равишда ўсиб боради. Бунда Ўзбекистонда 2030 йилга бориб, прогноз жадвалдаги нисбий ўсиш орқали

туризм хизматлари соҳасида 424,2 минг аҳоли бандлиги таъминланади. Ушбу кўрсаткичнинг таъминланиши бевосита аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, ташриф буюрувчилар сони ва туристик хизматлар экспорти кўрсаткичларига боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар. Туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш ва унинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини ошириш истиқболлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги умумий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистонда туризм хизматлари соҳасини миллий иқтисодийнинг муҳим стратегик соҳаси сифатида ривожлантириш, уни пандемиядан олдинги фаол ҳолатга қайтариш ва концепцияда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишда давлат ҳокимияти органлари олдида турган ва зудлик билан амалга ошириш лозим бўлган устувор вазифалар ҳамда уни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан оқилона бошқаришнинг тизимли моделини ишлаб чиқиш.

2. Ўзбекистонда туризм хизматлари соҳасини иқтисодийнинг “драйвери” сифатида илгари суриш, белгиланган устувор вазифаларни

аниқ режа ва дастур асосида беками кўст амалга ошириш, соҳани комплекс ривожлантириш орқали кўзланган мақсадларга эришиш, бунда ҳудудий давлат ҳокимияти органларининг масъулият ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида “Ҳудудларда туризм хизматларини ривожлантириш стратегияси”ни ишлаб чиқиш.

3. Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, келгусида мамлакат туризм хизматлари соҳасида аҳоли бандлигини оширишнинг энг самарали йўлларида бири сифатида кадрлар қўнимсизлигини камайитириш ва соҳадаги мавсумийлик муаммосини ҳал қилиш борасида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, бунда ушбу муҳим вазифаларнинг ечими сифатида Ўзбекистонда “MICE туризми”ни жадал ривожлантириш ва унинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Саакян М.А. Тенденции развития и проблемы занятости в сфере туризма РА. Девятая Годичная научная конференция (3-8 декабря 2014 г.). Сборник научных статей. Социально-гуманитарные науки. Часть II. – Ер.: Изд-во РАУ, 2015. – 390 с.
2. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Издание 9-е, переработанное и дополненное. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2007. С. 321.
3. Морозов М.А., Морозова Н.С., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика туризма. Учебник. – М., 2014. – 303 с. С. 253.
4. Куропятник О.В. Современные тенденции и прогнозы развития международного туризма. // География и экология: научное творчество, междисциплинарность, образовательные технологии: материалы Международной научно-практической конференции (г. Мытищи, 16-17 февраля 2017 г.). – М.: Издательство Московского государственного областного университета, 2017. С. 85-89.
5. Аюшиева Л.К. Занятость населения в туристической отрасли. //Вестник Бурятского государственного университета. 2(2)/2015.
6. Нехода Е.В., Турлов А.В., Загайнов А.А. Сельский туризм и занятость (на примере Томской области). //Вестник Томского государственного университета. Экономика. 2015. № 3 (31).
7. Бердимуродов А.Ш. “Глобаллашув шароитида эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Самарқанд: СамИСИ, 2021.
8. Сафаров Р.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш. / Дис., и.ф.д. – Самарқанд, 2016.
9. Тухлиев И.С., Қудратов Ф.Х., Пардаев М.Қ. Туризм таълим йўналиши талабалари учун дарслик. / Самарқанд иқтисодий ва сервис институти. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 260 бет.
10. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Иқтисодий-молия, 2008. – 260 б.
11. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмин ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – Т.: «Зарафшон» нашриёти, 2017. – 300 б.
12. Асланова Д.Х., Алимова М.Т., Саттарова З.И., Захидов Ф.Ф., Хайдаров О.З. Агрэко-туристический кластер: сущность и возможность его формирования в регионах. Монография. – Самарқанд: Турон-нашр, 2020. – 275 с.
13. Навруз-Зода Б.Н. Туристический хууду рақобатбардошлиги. Монография. – Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2017. – 156 б.
14. Эштаев А.А. Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. – Т.: Фан, 2011. – 280 б.